

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси


1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 14 апрель, № 13 (248) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, гоёлар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан курашишга, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зийн ёки таъйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Ислом КАРИМОВ.

Хикмати ДЕҲҚОН ДОН СЕПГАНДА...

«Оламнинг бойлиги деҳқонлардан, меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишига қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам баракат. Сочган дони кўкарғунча, уни ўриб, хирмон қилиб ҳосил кўтарғунча курт-қушлар ундан баҳраманд. Уроқчининг тирикчилиги шунинг орқасидан; кўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан мақсадга восил. Гадоилар у билан тўқ; шонадон эса маъмур. Мусофирга таом шундан; мужовирга ком ундан. Новвойнинг тандири у билан иссиқ; аллофурушнинг бозори у билан қизик. Фуқароларнинг ризк-рўзи, гарибларнинг куч-қуввати дон биландир. Дон тўфайли гадоӣ халтаси бурда нонга тўла. Шох хазинаси эса дон орқасидан инжу олтинларга бой. Деҳқоннинг бир дон сепганида шунча хикмат бор, ўзга ишларни таърифлаш маҳолдир».



Оқкўрғон туманидаги «Мустақил Ҳўжалиги деҳқонлари. «Эрта эккан эрта ўради» деган мақолга амал қилиб, шу кунларда чигит экишни ниҳоясига етказмоқда. Ҳўжалик аъзолари ўтган йили пахта режасини биринчилардан бўлиб адо этишиб, улкан ютуққа эришган эдилар. Бу йил ҳам улар барқали хирмон яратиш иштирокида хозирданок ҳормай-толмай ишлаяптилар. СУРАТДА: чигит экиш пайти. Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

ҲАДИС

Сиз ўз молларингиз билан халқнинг кўнглини олмоққа эмас, балки уларга очик юз, гўзал хулқингиз билан манзур бўлмоққа интилинг. Бир-бирингизга совгалар берингиз, мухаббатингиз ортади. Бир-бирингиз билан қўл бериб кўришингиз, кўнглингизда бўлган гина-адоват йўқолади. Бир нарсани қарзга берсингиз, садақа қилиб бершидан хайрлидир.

МАҲАЛЛА — МАФКУРА ЎЧОҒИ

Миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиздаги барча ташиқлот, ижтимоий инфратузилмалар, кенг жамоатчиликни ўйлантираётган масалага айлиб бораётир. Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан уюштирилган «Маҳалла — миллий гоа, мафкура, маънавият маскани» мавзусидаги йилгилик ана шу долзарб масалага бағишланди. Бугунги йилгишимиз ушбу масалага қуйдан туриб назар солишга имконият яратди. — деди «Маҳалла» жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими раиси, йилгилик иштирокчиси Таънаберди Қурбон «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда. — Ҳақиқатан ҳам миллий истиқлол мафкураси, муайян гоаларнинг шаклланиши дастлаб ойда ҳамда маҳалла муҳитидан бошланади. Ёшларимизни маълум бир мақсад ва бир маслакка йўналтира оладиган умумий мафкура, авваламбор, маҳаллаларда вужудга келтирилиши лозим. Бунинг учун маҳалла оқсоқолларининг уларни маъмур мафкура билан қуроллантириш лозимга ўхшайди. Т. Қурбоннинг таъкидлашича, қадим тарихга эга булган юртимизда маҳалла деган ижтимоий тузилманинг қарийб икки минг йиллик ҳаётий таърибаси маъжуд. Демак, бу кўна ижтимоий бошқаруving аҳоли таълим-тарбиясида, миллий мафкурасида ўз урни мавқеи бор. Бинобарин, тез суръатларда ривожланиб бораётган бугунги жамиятимизда маҳалла институтини ҳам даврга хайириас таъриб таъриқий эътириш лозим. — Хозирча маҳалла фуқаролар йиллиги раислари фаолиятини белгилайдиган аниқ дастур ва кулланмалар етарли эмас. Демак, «Маънавият ва маърифат» маркази, Оқсоқоллар кенгаши мутахассислари ҳамкорлигида миллий мафкура моҳиятини яритиб берадиган китоб-қўлланмалар, дастурий ҳужжатлар яратиш вақти келди, чамамда, — деди Т. Қурбон пировардида.

Ислохот сабоқлари ИНВЕСТОРНИ ҚИШЛОҚҚА ЧОРЛАНГ

Хорижий сармоялар ва янги технологиялар Самарқанд туманидаги «Оҳалик-Ломаин парранда» қўшма корхонасига муваффақият келтирмоқда

Дастлаб шунга таъкидлаш лозимки, хорижий сармояларни бозор инфратузилмасидан йироқ қишлоқ ишлаб чиқаришига жалб этиш бироз мураккаб кечмоқда. Қидирганда сабаб кўп. Бирок энг асосийси — тадбиркорлик, ишинг истиқболига ишонч, журъат етишмайпти. Бизнес режаси саёб.

Самарқанд туманида эса қишлоқ иқтисодийдини юксалтиришда хорижий сармоядорларнинг иштироки аёқол кўзга ташланмоқда. Бугун бу ерда чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда ихчам саноят ва мукамал технологиялар тармоғи барпо этилмоқда. Қўллаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда энг арзон туҳум етиштирилган «Оҳалик-Ломаин парранда» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг таърибаси доҳида эътиборга моликдир. Ишлаб чиқаришга бозор талаб-эҳтиёжларидан ва жамоа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндошлавтанга тўфайли бу ерда фақат ушбу суръатларини қузатиш мумкин. Утган йили 2 миллиард 50 миллион сумлик 82 миллион донга туҳум ишлаб чиқарилиди. Парранда сони 550 минг боёга етказилди. Еки маҳсулдорлик уртача 70 фоизга кўтарилди. Паррандабоқарларнинг ойлик маошлири эса 20 минг сумни ташқил этмоқда. Бу «Узлар-ранда» — «Маҳолдинг» корхоналари уртасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Германиялик шериклар билан ҳамкорлик паррандачиликни мутлақо янги, камхарж, серумум технологиялар асосида ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Хусусан утган йили «Меллер» фирмасидан қиймати салкам 1 миллион долларлик товуқ сақлайдиган ва жука эстириладиган 2 та катак ускуналарини етказиб берилди. Янги технологик қурилишни олмонлик мутахассисларнинг узлари урнатиб берилди. Натихада 40 минг боё товуқнинг атиги икки оператор парваришлайдиган бўлди. Гап шундаки, бу қурилмада барча жараёнларни компьютер бoшқаради. Товуқларни озиқлантириш, туҳум териш, бино ҳароратини, намлик даражасини мейривада сақлаб туриш унинг зиммасида. Қурилма электр энергиясини тежайди. Техноложик жараёнда ортиқча меҳнат, харajatга йул қўймайди. Ишчи кучи деярли баробар-бар кискаргани, сифатни назорат қилиш имкони юзага келганчи! Хориж билан ҳамкорлик паррандачиликнинг бу гигант корхонасига насликликни тубдан яхшилаш имкони берди. Хозир бу ерда Германиядан келтирилган Ломаин-браун зотдор товуқлари боқилмоқда. Уларнинг маҳсулдорлиги туҳум етиштиришда 80 фоизгача етмоқда. — Германияда туҳумни қилаб сотишларини эшитган мисиз, — дейди қўшма корхона раҳбари Бозорбой Рустамов. — Немислар аниқликни ектиришди. Ломаин-браун туҳумлари бошқаларга қараганда, анчагина йирик. Шунинг учун донлаб эмас, тарозиде улчаб сотишни маъқул қуришди. Ишлаб чиқарувчи ҳам, харидор ҳам зарур қилмади. «Оҳалик-Ломаин парранда» ана шундай зотдор товуқлари узиде етиштириш, парваришлаш билан шуғулланибгина қолмай, республикадаги деҳқон, фермер хўжаликларига ҳам тақлиф этмоқда. Утган йили фермерларга 1 миллион зотдор жува ва 5 миллион насли туҳум етказиб берилди. Айниқса Тошкент, Жиззах, Қашқадарё виллоятлари, Қорақалпоғистонлик қишлоқ ишбилармонлари бу ерга тез-тез кумақ истаб келишмоқда. Атрофичида муносив рақобатчилар пайдо бўлаётгани сизни қўчимаётгани, деган саволига Бозорбой Рустамов асло, деб қўлиб қўқолди. Чунки рақобат бизни доимо хушерликка, янги имкониятларни излаб топишга ундайди, деди у.

ЁШЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Пойтахтда Республика талабаларининг «Нихол — 2000» театр санъати фестивали ўтказилмоқда. Иккинчи марта ўтказилётган бу тадбир анъанага айлиб, талабаларнинг энг унгулимас дамларидан бири бўлиб кетди. Десам муволага бўлмайди. Чунки Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга шайланган ёшлар бу фестивалда ўз иқодий қобилиятларини, орау-интилишлари ва эзгу мақсадларини сахна курунишларида намоён қилиш имконига эга бўладилар, — деди тадбир таъкидлашчи, республика «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Қархон Қурбонбоев «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда. — Утган йили талабаларнинг театр фестивалида унга яқин жамоа қатнашган бўлса, айни кунларда вилоят танловни босқичларида голибликни қўлга киритган 24 та иқодий гуруҳ, яъни республика миқолидаги ҳар учта олий уқуқ даргоҳининг биттаси иштирок этипти. Бу ҳам «Нихолнинг» нуфузи тобора ошиб бораётганидан дарак беради. Сахна санъати ноямандларидан бири театрни икки томони чарханган шамширға ухшатган экан. У бир тарафи билан олис ўтмишни ёрита, иккинчи томони билан келажак йўлини кўрсатиб беради. Театрнинг беқиёс маънавий қудратга эга эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ёшлар фестивалининг бугунги кундаги аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

Спорт ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ ПОЛВОНЛАРГА МУНТАЗИР

Бугун кўна Шахрисабз шаҳрида Ўзбек кураши бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган Президент соврини учун III анъанавий халқаро турнир очилди. Унда маҳаллий полвонларимиз қатори Россия, Польша, Туркия, Исроил, Болгария, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Литва, Латвия каби йигирмадан ортиқ мамлакатларнинг сара паҳлавонлари фақат мутлақ вази тоифасида голиблик учун беллашдилар. — «Соғлом авлод йили» кириб келиши арафасида Лотин Америкаси Кураш конфедерацияси ва Япония Кураш Федерацияси раҳбарлари жорий йили ўз худудларида «Ўзбек кураш йили» деб эълон қилгани бежиз эмас, — деди Халқаро Кураш Ассоциацияси Халқаро алоқалар ва спорт департаменти директори Боймурод Юсупов. — Дарҳақиқат, 2000 йил Ўзбек кураши учун мусобақаларга бой бўлиши кутилмоқда. Дунёнинг қўллаб мамлакатиде қизгин беллашулар бўлиб ўтади. Айни чоғда Амир Темур хотира турнири ташқили қўмитаси ва Қашқадарё вилояти ҳоқимлиги томонидан нуфузли беллашувга тайёрларлик қизгин кечаяпти. Бизнинг маълумот: Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир 1992 ҳамда 1996 йилларда ўтказилган. Аввалги икки турнирнинг голиби ўзбекистонлик Абдуқўдир Пирматов ҳамда Баҳром Авазов бўлишган. Булажак халқаро мусобақа Президент соврини учун ҳам, Амир Темур хотираси учун ҳам ўчунчиси ҳисобланиб, дастлабки Президент соврини учун 1998 йилдаги «Жар» (Тошкент)да кечган бахсларда курашимиз жаҳон оммаси томонидан эътироф этилди. Унда: Салим Татар ўгли (Туркия) биринчи, Давид Хоҳолошвили (Грузия) иккинчи, Индрек Пертелсон (Эстония) ўчунчи ва Рамаз Чачашвили (Грузия) туртинчи уринларни банд этишганди. Иккинчи Президент соврини учун халқаро турнир Термиз шаҳрида 1999 йил октябр ойида ўтказилди. Унинг голиблари: 1. Тоштермур Муҳаммадиев (Ўзбекистон). 2. Павел Малаванцев (Польша). 3. Достон Примкулов (Қозғистон). 4. Хироеши Камимото (Япония). 2000 йил апрелдаги ўчунчи халқаро турнирнинг мукофот жамғармаси 12 миң АКШ доллари: биринчи урин соҳибига — 5 миң доллар; иккинчи уринига — 3 миң доллар; иккита ўчунчи уринига — 2 миң доллардан пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совгалар насиб этади.

«Туркистон-пресс».

Шайтонни қўрганлар борми? Узи йўқ нарсани қаердан кўрасиз, дейсизми? Аммо, номини дўмбюра қилдиганлар кўп-ку?! Рассомлар бадбашара «одамга ўхшатиб расмини чизишди. Театр иқодорлари сахнага шохдор ва думли «сиймони» чиқаришди, шайтон деганлари шу, демокчи бўладилар. Уларича шундоқ тасаввур этсалар керак.

қабил муаллақ бўлиб қолардим. Бошиқнинг аллақадери дуқиллар, кулоқларига тағида ботутовт шамол эсаятганга ўхшарди. Буям ҳовла экан. Негадир, ҳаявдан совий бошладим. Қўлим ишга бормай қолди. Оёқларим танамга зурга бўйсунар, ишонамга ҳам судрагандек кириб келардим. Кабинетимга киришга юрак бетламайди. Жойида айланиб турайдиган бежирим креслода бафурча утира олмайман. Ходимларим ҳам кузимга балодек куришиб...

Юрак, ўпка фаолиятини эшитидаган асбобини кулоқларига олиб олган оқ халати халоскор танамни оқдан текширди. Қон босимини ўлчади. Тилимдан тортиб танглайимгача эътибор билан кузатди. Йўқ, турт мучам согпа-соғ эмиш. Сиртим бутун куриנסа-да ичимдаги туғунинг сабабини шифокор ҳам тушунтириб бера олмайди. Ақсига олиб бутун куришим одатим йўқ эди. Буни ўзимга нисбатан ақсасдо янглиг гап-сузлардан англаб олдим. Бир кунги хотиминг суяк-суягимдан уткини юборди. Камингага ҳезлангудек бўлиб, нима дейди дег...

танқислигини келтириб чиқармоқда. Хитой давлат статистика бошқармасининг маълум қилишича, жорий йилда мамлакатда саноят ишлаб чиқариши ҳажми тез ўсиб бораётгани кўзатишмоқда. Масалан, ўтган уч ойда саноят корхоналарининг қўшимча даромади 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 10,7 фоиз ошган. Усиш, айниқса, оғир саноят, ахборот ва алоқа соҳаларида яққол қўзғаланаётир. Утган дўшанба кунги Исроил расийи вакили Исроил ва Ливан уртасидаги давлат чегаралари шу кунгача тўрт бора қайта белгилаб чиқилгани хақида баёнот берганди. Бироқ Ливан Бош вазири Салим Хосс бу даъвоини рад этиб, икки мамлакат уртасида ҳамма тан олган биргина чегара маъжуд, деди. Шу боис, Исроил БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 425-резолуциясига биноан ўз қўшинларини Ливаннинг жанубий қисмидан олиб чиқиб кетиши керак.

ВАСВАСА Хикоя

завқи бошқача-да. Жамоамиз ҳам жуда аҳил эди. Худди бир оилага ўхшардик. Узим ҳам бир ходимимга меҳр билан муомала қилардим. Фаррошимиз оналик таътилига чиқиб кетган кунларнинг бирида озгингина, бири олтин иш сураб қолди. Чакчайган кузлардан бирор маъно ўқиб бўлмади. Хуллас, узини Қамолда деб таништирган уша хотинини фаррошликка қабул қилдик. Уша кунларда галати «дард»га чалиниб қолдим. Бирор жойим оғриса кошқийди. Юзларим қип-қизил, курунишимдан давангирдек одамман. Беморман, десам бирор ишонини амри маҳол. Бирок, кишибилмас мадорим куриятганга ўхшарди. Узимни жуда галати ҳис қилардим. Худдида тушимда учаётган

қолса, денг. Шундай бўлгач, улар билан мурасам келишардим? Орамиздан ола мушук утгандек... Улар пайимини қираётгандек туюлаверарди. Тубсиэ жарга қулаётганга ўхшардим, вассалом. Бундай одамдан бошқа ниманимни куттиш мумкин? Шартта шундан кетиворсанг бўлмайдингиз, деб сурасиз? Қошқи эди бунинг илоҳи бўлса?! Худди то уравтан киши симга епишиб қолгани мисол идорамга миҳланиб қолганини тушунтириб беришга тилим оғиз... Кунлар шу зайдда утаверди. Ходимларим уларини билмаганга солиб юришарди, чамамда. Лоқалб бу хақида бирортаси юрак ютиб гапирмасан илоҳим қанча? Шифокорга учрадим. Дардимни аранг тушунтирдим.

«Бир одам ўз итига «ириллайсан» қолмасан, мендан яхшини топмайсан» дегани хақида эшитганимиз? Бу гап аслида одамларнинг узаро муомаласи хақида, билдингизми? Сизнинг гапирингиз ҳам худди шунга ўхшайди. Ёнган рубару келишдан болалар юрак олдириб қуйишган. Хатто, мен ҳам кузингиздан панарокда юришга мажбур бўлганман. Тунов кунги қотибганга билан галлашувердим. Толмас Тошбековнинг биз ҳам тушунолмай қолдик, деди. Хатто, кузидан шашқатор ёшлар оқди-я. Нималар бўлпти узи? Бирор ноҳия нарса емаганимизми? Захар еган бусам, улим керагини ку? — Зардам қайнаб бақирдим оҳизамга. — Улганинг устига тепгандан баттар қилсан-а...

ри галаба қилган бўлиши мумкин. Дастлабки 90,8 фоиз бюллетен хизмоб-китоб қилинган. А. Фухиморнинг 49,79 фоиз, унинг рақибига Александро Толедо эса 40,39 фоиз овоз олгани маълум бўлди. А. Фухиморни ўз лаъозимини сақлаб қолиши учун қолган дярли ўн фоиз сайловчининг 0,3 фоиз овозини олишга эришса кифой.



ушбу жабогарликни ўз зиммасига олган йўқ.

ЛИМА. Перуда бўлиб ўтган президент сайловида амалдаги давлат раҳбари Алберто Фухимор



Москвадаги «Койнот» меҳмонхонаси.

танқислигини келтириб чиқармоқда. Хитой давлат статистика бошқармасининг маълум қилишича, жорий йилда мамлакатда саноят ишлаб чиқариши ҳажми тез ўсиб бораётгани кўзатишмоқда. Масалан, ўтган уч ойда саноят корхоналарининг қўшимча даромади 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 10,7 фоиз ошган. Усиш, айниқса, оғир саноят, ахборот ва алоқа соҳаларида яққол қўзғаланаётир. Утган дўшанба кунги Исроил расийи вакили Исроил ва Ливан уртасидаги давлат чегаралари шу кунгача тўрт бора қайта белгилаб чиқилгани хақида баёнот берганди. Бироқ Ливан Бош вазири Салим Хосс бу даъвоини рад этиб, икки мамлакат уртасида ҳамма тан олган биргина чегара маъжуд, деди. Шу боис, Исроил БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 425-резолуциясига биноан ўз қўшинларини Ливаннинг жанубий қисмидан олиб чиқиб кетиши керак.

(Давоми 4-бетда).

Сўранг, жавоб берамиз

ШАРТНОМА НИМА?

— Шартнома нима ва ундан қандай муносабатлар кўзда тутилади?

— Шартнома икки ёки бир нечта (ҳисмоний ёки юридик) шахсининг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, узғартириш ёки бекор қилиш ҳақида узаро келишувдир. У ҳужжат юридувчи субъектлар уртасида узаро иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳужжат юридувчи субъектлар шартнома тузишда эркин бўлиб, ким билан, нима ҳақида шартномавий муносабатларга киришишни ўзи белгилайди. Фақат узаро олди-сотди, нарх, мулкнинг зимдат курастиши каби келишувлар амалдаги қонунларга зид бўлмастлиги керак.

— Ҳужжат шартномалари қонун йўли билан белгилаб қўйилганми?

— Ҳа, шартномаларнинг моҳияти ва мулк, иқтисодий муносабатлар ўрнатилишининг янги тамойилларига Ўзбекистон Республикасининг мулк, корхоналар, ижара-тадбиркорлик, қишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги), деҳқон, фермер ҳужалиқлари, ҳужалик жамиятлари ва ширкатлари, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, қонуноти ақтларида, шунингдек, «Фўкарлик кодекс»-да кенг ўрин берилган. Ҳужжат шартномаларнинг ролини оширишда 1998 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XII сессиясида қабул қилинган «Ҳужжат юридувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Унда ҳужжат шартномаларини тузиш, бажариш, узғартириш ва бекор қилиш жараёнларида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган. Ҳужжат шартномаси тушунчаси, шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари, ҳужжат шартномаси субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уни бузилганлиги учун жавобгарлик, талабнома ва даъво аризаларини тақдим этиш тартиби ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқаруш тизимлари прокуратура ва адлия органларининг шартномавий муносабатларга оид ва ҳужжат шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатлари алоҳида моддаларда кўрсатиб қўйилган.

— Шартномавий муносабатларда нималарга эътибор бермоқ керак?

— Шартномавий муносабатларнинг моҳиятини кўпчилик субъектлар етарли даражада тушуниб етмайпти. Бундай муносабат ҳужжалини молиявий ноҳор аҳволга олиб келиши, тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини чеклаш ҳамда улар фаолияти самарадорлигига жиддий зарар етказиши англамаптилар. Биринчидан, шартнома тарафлар манфаатларига зид бўлмаган амалдаги қонун ҳужжатларига мос равишда тузилади. Иккинчидан, тарафлар манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши ва ундаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган жавобгарлик чоралари назарда тутилган бўлиши керак.

— Шартнома қандай тартибда тузилади?

— Аввало тузиладиган шартноманинг мазмуни, яъни нима юзасидан тузилишини ва унинг оқибатида келиб чиқадиган натижаларни аниқ тасаввур қила билиш лозим. Бунда етказиб бериладиган товарнинг сифати, асортименти ва баҳосини акс эттириш орқали, олинган товарларни қайта сотиш ва ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Шартнома бажарилиши муддати, ҳисоб-киتاب қилиш тартиби, тарафдорларнинг мажбуриятлари қатъий белгиланади. Бордию шартномалари ва мажбуриятлари тула ёки қисман бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни хал этиш кулай бўлиши учун тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек қонунларга зид бўлмаган бошқа шартларни акс эттириш лозим. Бундан ташқари шартнома лойиҳасидаги қоидалар тўғрисида ҳуқуқий маслаҳатчининг фикри олинади ва у ваколатли шахс томонидан имзоланади.

— Шартнома талаби бузилганда жавобгарлик борми?

— Албатта бор. Бу борада шартнома муносабатларини тартибга солиш учун қонунга эгаимиз. Ҳужжат юридувчи субъектларнинг ваколатли мансабдор шахслари шартнома тузишда ана шу қонун талабларини бажармасалар Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги ҳамда «Жиноят кодекси»-да кўзда тутилган жавобгарликка тортилишлари аниқ белгилаб қўйилган.

Жавобларни А. ЖўРАЕВ тайёрлаган.

Бизнинг шарҳ

ҚАНДАЙ КИШИЛАР СУДАДА ХАЛҚ МАСЛАХАТЧИЛАРИ БЎЛА ОЛИШАДИ?

Мамлакатимизда қонун устиворлигини таъминлаш учун ҳуқуқий демократик, фўкарлик жамияти қурилувда, Шунинг учун ҳам Юртовчилик Олий Мажлисининг сессияларида бирида сузлаган нутқида ҳам олди судлов ҳақида тўхталган эди. У халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини, фўкарларни судловни ўқатишда қатнашувчи демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири эканини, суд ишларини кўриб чиқишга одамлар ўртасида ҳурмат ва ишонч қозонган фўкарларни жалб этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган.

Яқинда вилоят, шаҳар ва туман сулларида халқ маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Шу муносабат билан жамоатчи муҳбирини Наманган шаҳар судининг раиси Эшондада Бурхонов билан суҳбатлашди.

— Қандай кишилар суд халқ маслаҳатчилари бўла олишади?

— Мамлакатимизнинг ҳар қандай меҳнатсевар ҳалол, виждонли, билимдон, ватан ва халқига садоқатли фўкарлари суд халқ маслаҳатчиси бўла олади.

Уларни сайлашда маҳалла ахли фаоллари, меҳнат фақрийлари, нурунийлари, оксоқоллар, хотин-қизлар кенгашлари фаоллари, фўкарлар уз-ўзини бошқариш органлари фаоллари, халқ таълими ва уқув муассасалари, тибобет ва ижтимоий таъминот вақиллари, туман халқ ҳужалигининг барча соҳасида фаолият кўрсатган кишилар жамоя йиғилишларида умумий йиғилиш қарорига асосан суд халқ маслаҳатчилигига сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 62-моддасига кўра, улар ўз иш жойларидаги йиғилишларда очик овоз бериш йўли билан икки ёки бир ил мўддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999 йил 25 майдаги 02-754 сонли қўрсатмасига кўра шаҳар (туман) судларининг ҳар бирига 30 дан 50 нафарга халқ маслаҳатчилари сайланиши белгиланган.

— Мустақиллик даврига бўлган судда халқ маслаҳатчилари билан хозиргиларининг фарқи нимада?

— Соҳиб Иттифок давридан то 1995 йилга қадар амалдаги қонунларга мувофиқ жиноят ва фўкарлик ишларини судда қуришда халқ маслаҳатчиларининг иштироки мажбурий бўлган. Мустақил давлатимизнинг «Судлар тўғрисида»ги қонун ва бошқа қатор юридик ҳужжатларга кўра, халқ маслаҳатчиларининг судларда иштирокида бироз узғаришлар бўлди. Эндиликда фўкарлик ишларини судда қуриб чиқишда улар қатнашмайди. Бундан ташқари 1995 йил 1 апрелдан кўчга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 13-моддаси талабига кўра ижтимоий хавфли унча катта бўлмаган ва қонунда беш йилгача мўддатга озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси кўзда тутилган жиноят ишларини ҳам судьялар яққа тартибда қуриб чиқарадилар. Фақат 5 йилдан ортиқ мўддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини кўзда туғувчи жиноят ишларини судда қуриб чиқишда халқ маслаҳатчиларининг иштироки шарт қилиб қўйилган.

— Халқ маслаҳатчилари қандай имтиёзларга эгадиларини ва қайси ҳолларда ана шу имтиёзлардан маҳрум этилишларини билишни истарди?

— Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 13-моддасига кўра жиноят ишлари ҳайъатда қурилади. Жиноят кодексининг 13-моддаси 2- ва 3-қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги яққа тартибда қурилади. Иш биринчи инстанция суди томонидан қурилади.

Тождидин ҒОЗИЕВ суҳбатлашди.



Ойбек номли 12-божхона пости ходимлари ўз вазифаларини сикдидилдан адо этаётганликлари туфайли мамлакатимиздан моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиш кетилишига йўл қўйилмапти. Шунингдек бу ерда юртимизга таъқиқланган моллар, гйёхванд моддаларнинг кириб келишига мустаҳкам тўсиқ қўйилган. Суратда: божхона пости раҳбари Абдурашид Шоматов (ўртада) Соҳиб Абдуҳалилов ва Баходир Саиджўраевларга кўрсатма бермоқда. Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Солиқ тўловчилар учун

КИМ ҚАНЧА СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрда қабул қилинган «2000 йил учун Ўзбекистон Республикасининг асосий микроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг прогнози тўғрисида»ги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига мувофиқ, 2000 йил 1 январидан бошлаб юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ва йиғимларнинг ставкалари белгиланган.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, (яъни даромад фойда солиғи, (яъни даромад солиғи тўловчи ва умумий оқватлашни корхоналари ҳамда солиққа тортишниинг соддалаштирилган тизимига утиб ишлаётган кичик корхоналар бундан мўстасно) ставкаси миқдори 1999 йилга нисбатан 2 фоиз камайтирилди, яъни солиққа тортилмаган даромад (фойда)га нисбатан 31 фоиз белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари жорий эътидан маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг энг юқори ставкалари куйидаги тартибда:

— ижтимоий инфратизимнинг ривожлантириш учун солиқ корхоналари ихтиёрида қоладиган соф фойдадан 6 фоиз;

— ободонлаштириш ишлари учун йиғим корхоналар ихтиёрида қоладиган соф фойдадан 2 фоиз;

— реклама солиғи ҳизматлар баҳосидан 15 фоиз;

— юридик ва жисмоний шахслар томонидан автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ битишуви суммасидан 17 фоиз;

— савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим бир ой савдо қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 баробари миқдоридан;

— алкоғолли махсулотлар билан биргаликда алоҳида турдаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими бир ой савдо қилгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан;

— тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни руҳиятга олганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдоридан;

— автотранспорт тўхташ жойидан фойдалангани учун йиғим тўхтаб туришининг бир соати учун 50 сум миқдоридан белгиланди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг янги ставкаси тасдиқланди. Ягона ер солиғи тўловиға утмаган қишлоқ корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун 1 куб метр сувга ер усти манбаларидан 9, ер ости манбаларидан 12 тийин миқдоридан солиқ тўлайдилар.

2000 йил 1 январидан:

Меъридан ортиқ сотилмай қолган тайёр махсулотлар учун уларни ишлаб чиқариш танноридан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадига тула ҳамда утказилмаган икки физиоли тулов жорий этилади ва меъридан ортиқ ишлаб чиқариш захиралари учун тулов бекор қилинади.

Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, чиқариб юбориш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чиқиндиларни жойлаштирилгани учун тулов жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳаво атмосферасига ифлослантирувчи моддаларни юборганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирилгани учун тулов солиқ идоралари томонидан амалга оширилади, ҳамда унинг 80 фоизи маҳаллий бюджет, 20 фоизи эса таъминот муҳофазаси қилиш қўмитасининг маҳаллий идоралари фондига утказилади.

Солиққа тортиш соҳасидаги Республикамиз Президентининг Фармони ва ҳуқуматимизнинг қарорлари солиқ тўловчилардан олинадиган ҳар бир ой учун солиқнинг белгиланган ставкалари миқдори фаолияти турларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилади.

Савдо ва умумий оқватлашни корхоналари ялли даромад солиғининг табақалаштирилган ставкалари, солиққа тортишниинг соддалаштирилган тизимига утиб ишлаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкалари ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга туланадиган дивидентлар бўйича даромад солиғи ставкаси 1999 йилдаги тартибда сақланиб қолинди.

Шу йилнинг январидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи барча солиққа тортиладиган оборотлар бўйича 20 фоиз ставкада белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилмаган, шунингдек, республика ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан импорт қилинадиган товарлар учун акциз ставкалари утган йилдаги ҳолда сақланиб қолинди. Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи ставкалари ҳам кўпайтирилди.

А. АХМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси банк ва молия академияси тингловчиси.

ҲАМ УЙИМДАН, ҲАМ ПУЛИМДАН АЙРИЛДИМ

Баъзан шундай суд жараёнлари бўлади-ки, ҳуқуқ посбони уларни ҳар томонлама кўриб чиқиш, оқни, оққа, қорани қорига ажратиб бериш ўрнига турли шубҳаларга ўрин қолдиради. Масала пухта ўрганилмаганлиги, зарур гувоҳлар эшитилмаганлиги сабабли ҳам одамлар ҳукм ёки қарордан норози бўлиб турли юқори ташкилотларга ариза ёзиб, зир юрагидилар. Натижада қанчада-қанча одамлар сарсон. Асаблар бузилган. Кетган маблағларини айтмасизми...

Тахририятимизга муржоат қилган 70 ёшли онахон Тожихон Ҳакимова-нинг аризасини ўқиган киши бунга амин бўлиши мумкин. Биз уни тафсилотини сиз ҳурматли газетхоналар билан баҳам кўришни лозим топдик.

Мен Наманган туманидаги «Қўқон» қишлоғида 1931 йилда туғилганман. Умр бўйи қолхозда меҳнат қилдим. Турмуш урғотим фронтдан ногирон бўлиб келди. Шу туфайли оила юмушларининг асосий қисмини елкамда кўтардим. Фарзандларим катта бўлишди. Художу шукр на-биралар ҳам воёга етпти. Энди озгизим ошта етай деганда бир тўхтама гирифтор бўлиб турибман. Емай-чирмай уллимлик учун топган пулимдан бир товламачининг найрағи, судьянинг ноҳақлиги туфайли айрилдиб утирибман.

Уй аслида Нелла Цхайнинг отаси С. Цхай номидан эди. Улар кетган, хондонни хусусийлаштириш лозим бўлиб 1994 йилгача Наманган шаҳридаги «СТАМАТОГИЯ» поликлиникасида ишлаган. Шунингдек марказий турғужонада ҳам уридошлик асосида фаолият кўрсатган. Турғужонада

улимга сотишган хондонда вақтинча яшаб туришди. Нелла иши борлиги учун 10 кундан сунг қайтиб кетди. В. Зикова эса ҳужжатлар тўғри бўлганча туриб қолди. Хаста ва қария аёл ҳужжат туғриладда қийналиб бир кун углига илтимос қилиб: «Бирорта танишинг бўлса мен унга ишонч қозони ёзиб берсам. Мени номимдан ҳаракат қилса буларди», дейди. Углим, ишончасида ҳам-шира бўлиб ишловчи Фарида Тукмулиновага булган гапни айтди. Фарида рози бўлади. В. Зикова Фарида билан нотариал идорага бориб унга ишонч қозони қилиб беради. Ф. Тукмулинованинг эри вафот этган бўлиб, углимга: «Қайнонам эримнинг улимида мени айбляпти. Уйдан чиқ деб хайдапти. Борадиган жойим йўқ», деб нолийди. Абдурахим унга раҳми келиб, уша хондонда Фарида-нинг яшашига розилик беради. Аммо ўлим уз уйини рас-

дан ҳақиқий эмас, деб топилганини рўқач қилиб келтириши мумкин. Қарорда айтилишича, «Навоий кўчасидаги 20-уйининг 1-хондонини сотиш учун Зикованинг номидан Тукмулинова берилган 7.05.1992 йилда реестр № 33/2017 билан тасдиқланган ваколатномадаги имзо Зикова В. П. томонидан имзоланмай, балки бошқа шахс томонидан имзоланганлиги, реестр китобининг 63-бетидаги № 3/2017 тартиб рақамидидаги имзо ҳам Зикова томонидан бўлмай, бошқа шахс томонидан имзолангани ҳақида Наманган вилоят ЭКБ экспертининг 28.11.1994 йилдаги 920-сонли хулосаси мавжуд. Бундай ҳолда ушбу ваколатномага асосан 3.09.92 йилда реестр № 1/846 билан тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб бўлмади». Судья ишининг бу томони-га эътибор берадими аммо қалбаки ҳужжат билан (агар у қалбаки бўлса) шартнома шубҳали бўлиб, одамлардан пул ундириш Ф. Тукмулинова каби фирибгарга жазо бериш ҳамда уйлмайди. Оқибатда мендай бир муштилар аёл 30 миңг сўмга қулиб қолганман. Яна бир гап. Менга маълум бўлишича, 1994 йилда Наманган вилоят ЭКБда хатшунос экспертиза утказиш учун шароит бўлмаган. Шунинг эътибор ишининг бир вқлама олиб борилганлигини кўрсатиб турибди. Қарорда «...суд жавобгар-

тиб кетган. Унинг Наманган вилоят судига ёзиб берган ариза-сида айтилишича, «1994 йил 6 ойларда Ф. Тукмулинова унинг олдига йиғлаб келди. В. Зикова га телефон қилиб гапла-шишни сурайти. Шаҳарлараро телефонга унинг қизи Нелла Цхай кел-лади. Шунда иккалаимиз судга хондон Фаридаги тегишли, Абдурахимни та-нимайман. Унга уй сотма-ганман деб айтишни она-сига таяинлашни илтимос қилдик. Аслида иш бошқача булган. Мен В. Зикова Наманганда булганда у билан гаплашганман. У хондон учун пул тулаган, қонтейнерга бюуртма бер-ган, йул чипталарини олиб берган Абдурахим эканли-гини айтган». Хуллас Наманган шаҳар суди қарори ҳам вилоят суди ажрими ҳам фўкарлар пухта ўрганмасдан бир вқлама чиқарилган.

Қарорда Пенза вилоят 19.04.94 йилда суд мажли-си баённомасида Зикованинг курғазмаси бўлиб, Зикова хон-дон учун Тукмулиновадан 4000 рубл олганлигини ва квартирани хусусийлаштириш учун Тукмулиновани ишончю-ма қолдирганлигини, 1992 йилда Намангандан чиқиб кетганлигини қўрсатувчи фак-тлар бор. Аслида низоли хон-дон жойлашган 20-уйда йиғирма йилдан бери «домком»лик вазифада иш-лаб келган А. Сафронованинг гувоҳлик беришича, солиқ қўшниси В. Зикова 1990 йил-да у хондонини углимга со-

Тожихон ҲАКИМОВА, Наманган шаҳри.



